



## КРЕАТИВЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАФАККУР ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА

**Чориев Фахриддин Абдуғоппорович**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
Университетининг Ҳарбий-ватанпарварлик,  
маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан  
ижтимоий ишлаш кафедраси доценти*

**Аннотация.** *Талабаларнинг ўқув фаолиятидаги фаоллигини оширишда ўқув жараёнида қўлланилаётган топшириқларнинг илмий ёки маънавий характерга эгаллиги, талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари, уни ривожлантиришда иштирок этувчи мотивацион, услубий, типологик осттузилманинг ўзига хос роли ва ўрни масалаларини ёритишга эътибор қаратилган.*

**Калит сўз.** *Креатив, индивидуал ва гуруҳий, талабалар тафаккури, ўқув материаллари, ҳамкорлик фаолияти.*

**Аннотации.** *В целях повышения активности студентов в учебной деятельности уделяется внимание научному или бытовому характеру задач, используемых в учебном процессе, психологическим механизмам развития мышления студентов, конкретной роли и месту мотивационных, методических, типологических субструктура участвует в ее развитии.*

**Ключевое слово.** *Творческое, индивидуальное и групповое, студенческое мышление, учебные материалы, совместная деятельность.*

**Аннотатионс.** *Ин ордер то инсреасе тѐе астивитий оф студенц ин эдусатионал астивитиес, аттентион ис паид то тѐе ссиентифис ор эверйдай натуре оф тѐе таскс усед ин тѐе эдусатионал просесс, тѐе псйчологисал мечанисмс оф тѐе девелопмент оф студенцо тѐинкинг, тѐе спесифис роле анд пласе оф мотиватионал, метѐодологисал, тйпологисал субструстуре ис инволвед ин иц девелопмент.*

**Кейворд.** *Среативе, индивидуал анд гроуп, студент тѐинкинг, теачинг материалс, жоинт астивитиес.*

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ёшларнинг ақлий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, талабаларнинг ўқув фаолиятидаги фаоллигини юксалтириш заруратини орттирмоқда. Зеро, ўзлаштиришга оид касбий фаолият учун зарур билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши, муаммолар устида ишлашда мустақил ва ижодий ёндашувни таъминловчи тафаккурни ривожлантиришнинг психологик механизмларини такомиллаштириш заруратини янада долзарблаштирмоқда.



Талабаларда олиб борилган тадқиқотларимиз ўқув жараёнида қўлланилаётган топшириқларнинг илмий ёки маиший характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Илмий характердаги топшириқлар мавзу доирасидаги муаммоларнинг моҳиятини очишга қартилган бўлиб, аниқ қонуниятларни, зарур шарт-шароит ва стандарт талабларга амал қилишни тақозо этади. Масалан, психология таълим йўналиши талабаларига “Тафаккур хусусиятларини ўлчаш”га доир топшириқлар тақдим этилиши талабаларнинг тафаккур хусусиятларини тадқиқ қилиш имкониятларини кенгайтирди. Масалан, биология таълим йўналиши талабаларида Менделнинг Г.И. ирсий белгиларни узатилиш принциплари тўғрисидаги маълумотни ўзлаштирилиши ўрганилди. Бунда, айрим ҳолатларда талабалар тафаккурининг ривожланиши билан боғлиқ муҳитда уларга ностандарт топшириқлар устида ишлашларига тўғри келади. Бундай шароитда талабаларнинг мустақил мулоҳаза юритишлари учун зарур топшириқлар ўта муҳимдир. Бунинг учун биз муаммоли топшириқлардан фойдаланиб, талабаларнинг маиший характердаги масалаларни ечишга доир топшириқлар устида мулоҳаза юритишларига имкон яратиб бердик. Тадқиқотимизда кундалик турмушда фойдаланиладиган айрим жиҳозларнинг ноодатий ҳолатларда қўллаш мумкин бўлган хусусиятлари тўғрисида топшириқ бериш орқали талабалар тафаккурини шакллантириш вазифаси қўйилди. Берилган топшириқларнинг стандарт-ностандарт характерга эгаллиги талабаларда муайян ўқув мотивацияларини уйғотишга туртки бериши эса асос сифатида қабул қилинди. Топшириқларни бажарилиш хусусиятига кўра, улар вақт нуқтаи назаридан қисқа ва узоқ изланишни тақозо этувчи, қисқа муддатли ва узоқ муддатли топшириқларга ажратилди. Зеро, мазкур ёндашув таълим жараёнида қўйиладиган муаммонинг моҳияти ҳамда фан мавзуларини ўзаро боғлиқлигини инобатга олишни тақозо этди. Шунингдек, топшириқларнинг натижага эришиш хусусиятига кўра, индивидуал ва гуруҳий ҳал этиш характерига эгаллиги тадқиқотимизнинг туб мақсадини англаш имкониятини кенгайтириши назарда тутилди. Топшириқларни индивидуал, яъни ҳар бир талаба томонидан яқка тартибда бажариладиган ва гуруҳий тарзда ҳал этилишига кўра иккига ажратилди.

Талабалар тафаккурини ривожлантириш психологик механизмларининг иккинчи осттузилмасини эса “Тафаккурни ривожлантиришда иштирок этувчи мотивацион, услубий, типологик осттузилмаси”га ажратиш имкониятини яратди. Мазкур осттузилма тафаккур ривожланиш жараёнида бевосита иштирок этадиган, талабанинг фаолиятида намоён бўлувчи қатор компонентлардан иборат. Юқорида таҳлил қилинган осттузилмада тафаккур ривожланишида таълим топшириқларининг ўрни масаласи талқин этилган эди. Талаба тафаккурини ривожлантириш жараёнида таълим топшириқлари иккинчи осттузилманинг таркибий қисмидаги компонентлар билан ўзаро алоқадорликда кечишига урғу қаратилди. Талабаларга Эдвард де Бононинг тафаккурни



ривожлантиришга доир ностандарт топшириқлар ҳамда Е.Е.Туникнинг “Ижодий тафаккурни аниқлаш тести” бўйича тақдим этилган вазифалар устида ишлаш таклиф этилди. Талабаларда эса мазкур топшириқлар ечими жараёнида нисбатан юқори мотивация намоён бўлиб, бу уларнинг топшириқлар устида якка ва ҳамкорликда ишлаш хусусиятларида яққол акс этди. Шунингдек, ўқув фаолияти мотивациялари ўқув мақсадларини тўғри шакланганлиги, ўқув машғулотида қизиқиш ва таркиб топганлик компонентларидан иборатлиги ҳам инobatга олинди.

Иккинчи ҳолатда биз топшириқлар устида ишлаш вақтида талабаларнинг тафаккур услублари ва типлари таълим йўналишига, таълим босиқчи, ҳар бир талабада ўзига хос тарзда фарқланиши кузатилди. Талабалар ўқув фаолиятида таълим муаммолари, топшириқлар ва ўқув материаллари устида ишлаш вақтида хилма-хил тафаккур услубига эгаги кузатилди.

Таълим жараёнида бир курс ёки бир гуруҳдаги талабаларнинг тафаккур услублари ва типларида ҳам кескин тафовутлар мавжудлиги мақсадли кузатиш методи ёрдамида амалга оширилди. Бу ҳолат уларнинг ўқув материалларини идрок этиш, мавжуд билим, кўникма ва малакалари, тафаккур услублари ва типлари тафовутланиши мумкинлигини тасдиқлади. Кузатишларимизнинг кўрсатишича, бир гуруҳ талабалар ичидан оригинал ишларни амалга оширувчи, янгилик яратишга мойил (10 фоиз талабаларда синтетик тафаккур услуби), муаммоларни тез илғовчи, вазиятлардан силлиқ чиқишга хайрихоҳлик (30 фоиз талабалар ғоявий тафаккур услуби), шахсий тажрибасига таянадиган, тез натижалар олишга интилувчан, иш муҳити ва вазиятларга тез мослашувчан (25 фоиз талабларда прагматик тафаккур услуби), таълим жараёнидаги муаммоларга атрофлича ва тизимли ёндашувчан (25 фоиз талабаларда аналитик тафаккур услуби), масалаларни аниқлик ва нуқсонларни тузатишга сезгир (10 фоиз талабалар рационал тафаккур услуби) талабалар учраши аниқланди.

Таълим жараёнида талабалар тафаккурини ривожлантириш учун ўқув материалларини тайёрлаш жараёнида педагоглар мазкур ҳолат юзасидан етарлича маълумотга эга бўлишлари фойдалидир. Ўз навбатида, ушбу услубларнинг ҳар бири талабада учрайди, аммо биттасигина устувор бўлиши мумкин холос. Шунинг учун таълим жараёнида талабалар билан ишлашда услубларни барчаси уларда мавжудлиги ўқитувчи фаолиятига енгиллик туғдириши мумкин. Ўз навбатида тафаккур типлари ҳам услублар сингари кўриниш олса-да, аммо таълим йўналишларига кўра, тафовутланиши мумкинлигини кўрсатди.

Талабларда таълим жараёнида ўқув материалларини ўзлаштириш, масала ва топшириқлар устида ишлаш жараёнида:

-ахборотларни ўзлаштиришда предметли ҳаракатларга таянадиган, ақлий операцияларни изчил амалга оширадиган (предметли тафаккур типи);



-фикр, мулоҳазаларни формула, структура кўринишда ифодалашга таянадиган (символли тафаккур типи);

-ўқув материаллари ва ахборотларни қарор қабул қилиш асосида эгаллайдиган (белгили тафаккур типи);

-фикрларини образли ифодалашга, фикрнинг якунида янги образлар ҳосил қилиш қобилиятига суянадиган (образли тафаккур типи) мавжудлиги аниқланди. Қайд этилган ҳолатлар талабалар тафаккурини шакллантиришнинг муҳим компонентларидан бири сифатида қараш имкониятини кенгайтирди.

Маълумки, талабалар тафаккурини ривожлантириш механизмнинг яна бир таркибий элементи тафаккур хусусиятлари бўлиб, айрим ўринларда тафаккурнинг сифати тарзида ҳам қўлланилади. Г.Ю.Айзенк ўзининг интеллектуаллик моделида фикрлаш кучи ва тезлигини унинг сифатини белгиловчи мезон тарзида киритган эди.

Биз ушбу ҳолатга уйғун тарзда ҳамда эмпирик ўрганиш кўрсаткичларига асосланиб, тафаккурнинг аниқлиги (ғояни аниқ ифодалаш), фикрларнинг самарасизларидан самаралисини ажрата олиш уқуви (эгилювчанлик); муаммолар устида ноодатий фикрлаш ва уларнинг ноодатий ечимларини топа олувчи (оригиналлик); қўйилган саволга ва муаммога тез ҳамда тўлиқ жавоб олиш хусусияти (тезлиги) тарзда ифодалашни лозим топдик. Бу эса иккинчи осттузилмани ташкил этувчи тафаккурни ривожлантириш компонентларисиз унинг механизмини яққол ва тўлиқ кўриниш олишини тасаввур этиб бўлмаслигига яна бир ишорадир.

Тафаккурни ривожлантириш механизмларнинг учинчи осттузилмасини “Тафаккурни ривожлантириш принциплари, шарт-шароитлари ост тузилмаси” бўлиб, ушбу осттузилма талабалар тафаккурини ривожлантириш жараёнида таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар, тафаккурни ривожлантириш жараёнида фаолиятни ташкил этиш принципларини ўз ичига олгандир.

Учинчи ост тузилма тафаккурни ривожлантириш, машғулот хусусиятлари ва талабалар билан ўқув материалларига муносабат асосида ишларни ташкил этиш принципларига асосланиб, уни иккига ажратишни лозим топдик. Бу ҳолатда ўқув машғулотларида таълим олувчи фаолиятини ташкил этиш хусусиятига кўра, индивидуал ва ҳамкорлик фаолиятига ажратдик. Бунда талабанинг таълим жараёни субъекти сифатида иштирок этиши, яъни ўқув машғулотни муаммосини тушуна олганлиги ва муаммолар юзасидан муносабати ҳамда позициясига эга бўлиши, машғулот ва мустақил топшириқлардан ташқари, ўқув вазифалари устида ишлаётганда якка тартибда ўз фаолиятини ташкил қила олиши билан боғлиқдир. Ўз навбатида, эмпирик тадқиқотларимизда талабаларнинг индивидуал тарзда фаолиятни ташкил этиш эмас, балки уни тартибга солиш ва назоратига эга бўлиши зарур деган хулосага келинди. Ҳамкорлик фаолияти эса жараёни индивидуал шаклда ташкил



этишнинг тўлдирувчи ва бойитувчи элементидир. Бу ҳолат бир томондан талабанинг касбий тайёргарлиги учун зарур билимларни ўзлаштириши билан бир қаторда, ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Улар муаммолар устида гуруҳий бўлиб ишлашда ҳамкорликда фаолият олиб борадилар, ўзаро фикр алмашадилар ва фаолият функцияларини тақсимлайдилар, натижада турли муҳитга мослашишга эришадилар. Бу тартибдаги фаолият талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлаши, лойиҳа-тадқиқотчилик фаолиятларида яққол кузатилди. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этишни ҳам назорат тизими бўлиш муҳим деган хулосага келинди. Осттузилманинг иккинчи компоненти сифатида тафаккурни ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи ташқи шарт-шароитлар ва шахслилик хусусиятларини инобатга олган эдик. Ташқи омилларга таълим жараёнини ташкил этишнинг ташкилий – услубий, моддий-техник базаси, педагогнинг касбий тайёргарлик даражаси ва маҳорати киритилди. Шахслилик хусусиятлари ёки субъектив омилларга эса талабанинг ижодий тафаккурининг ривожланишида кузатиладиган хусусиятларни инобатга олдик. Ушбу хусусиятлар талабаларнинг тажриба-синовда иштирок этиш жараёнида учрайдиган ҳолатлари ва сифатлари билан узвий боғлиқдир. Бунда ижодий тафаккури ривожлантириладиган талабаларда янгиликка интилувчанлик, мустақиллик, муаммоли вазиятларни ёқлаш, топқирлик, маҳсулдорлик, масъулиятлилик каби хусусиятлар устувор кўриниш олиши муҳим эканлиги инобатга олинди.

Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари осттузилмаларини таҳлил қилиш асосида унинг умумлашган тузилмасини шакллантиришга эришилди. Тузилма талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмларини умумий ҳолатини ўзида ифода этади. У юқорида келтириб ўтилган осттузилмаларга кўра:

таълим мазмуни ва уни ўқув-услубий жиҳатдан ташкил этиш, ўқув машғулот топшириқларини ишлаб чиқиши ва тақдим қилиш хусусиятлари;

тафаккурни ривожлантиришда иштирок этувчи мотивацион, услубий, типологик жиҳатлар;

тафаккур ривожланишини белгиловчи принциплар ва шарт-шароитларни ўз ичига олади.

Келтириб ўтилган учала компонент ва уларнинг таркибий элементларига кўра, тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш шубҳасиз кутилган натижаларга эришишга хизмат қилади. Тузилманинг таркибий қисмларидан маълумки, ўқитувчилар ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш вақтида аниқланган компонентларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олишлари талабаларнинг тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади. Ўз навбатида, уларнинг ўқув-машғулотларига қизиқишларини ортишига, ўқув фаолияти мотивларини шакллантиришга, ўз устида мустақил ишлашга, таълим



топшириқларини бажариш кўникмаларини камол топтиришларига туртки беради. Бу эса педагогларнинг ўзлари кутаётган таълим натижаларига эришишларида енгиллик туғдиради ва талабаларда ижодий фикрлаш қобилияти ўсишини таъминлаш учун янги имкониятларни яратади, меҳнат натижаларидан қониқиш ҳосил қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева С. А. Теоретические подходы к изучению дивергентного мышления будущих психологов/-Известия ДГПУ, №4, 2015. С. 21-24.
2. Акимова М.К., Козлова В.Т. Диагностика умственного развития детей. – С-Петербург: Питер, 2006. – 240 с.
3. Ацковская Х., Миовска С. Развитие критического мышления через чтение и письмо в Македонии//Перемена, 2000. – № 1. – С. 23-26.
4. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане: Автореф. дисс. ... докт. психол. наук. – Ташкент, 1998. – 37 с.
5. Калачева Н.В. Личностный генезис интеллектуально одаренных подростков в условиях учреждений дополнительного образования разного типа: Дисс. ...канд. психол. наук. Казань, 2004. – 257 с.